

## ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ: МУАММОЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР

**Калонов Мухиддин Бахритдинович –**  
**ТДИУ хузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиёти**  
**ривожланишининг илмий асослари ва муаммолари»**  
**илмий-тадқиқот маркази директори, и.ф.д., профессор**

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги мавжуд муаммолар ва имкониятлар хусусида тўхталиб ўтилган бўлиб, тадқиқот бўйича холоса ва таклифлар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** рақобат, импорт, экспорт, ички бозор, ташқи бозор.

### ОБЕСПЕЧЕНИЕ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ: ВЫЗОВЫ И ВОЗМОЖНОСТИ

**Калонов Мухиддин Бахритдинович –**  
**Директор научно-исследовательского центра «Научные основы и проблемы развития**  
**экономики Узбекистана» при ТДИУ, д.э.н., профессор**

**Аннотация:** В статье рассматриваются существующие проблемы и возможности обеспечения безопасности пищевых продуктов в Узбекистане, а также формулируются выводы и предложения исследования.

**Ключевые слова:** конкуренция, импорт, экспорт, внутренний рынок, внешний рынок.

### ENSURING GOVERNMENT FOOD SECURITY IN UZBEKISTAN: CHALLENGES AND OPPORTUNITIES

***Kalonov Mukhiddin Bakhriddinovich –**  
**Director of the research center «Scientific foundations and problems of the development of the**  
**economy of Uzbekistan» under TDIU, DSc., professor***

**Abstract:** The article focuses on the existing problems and opportunities of ensuring food safety in Uzbekistan, and formulates research conclusions and proposals.

**Key words:** competition, import, export, domestic market, foreign market.

**Кириш.** Дунё бозорларида шафқатсиз рақобат, “савдо урушлари”, иқлим ўзгариши, табиий оғатлар, турли касалликлар, шу жумладан коронавирус пандемияси, бизга қўшни худудларда қарама-қаршилик ва тўқ-нашувлар озиқ-овқат хавфсизлигини кун тартибиға чиқарди. Халқаро экспертларнинг фикрига кўра, пандемия оқибатида очарчиликдан қийналётган аҳолисони 2 баробарга ошиб, 1 миллиард 600 миллионга етди. Ўнлаб давлатларда озиқ-овқат, нон етишмовчилиги қузатилмоқда. Ёш гўдаклар ахлат қутиларидан емиш изламоқда. Жаҳон матбуотида энг кўп гапирилаётган мавзу қимматчилик ва нархлар ошиши масаласи бўлиб қолаяпти.

Тадқиқот методологияси. Илмий тадқиқот давомида анализ ва синтез, аналитик таҳлил, қиёсий таҳлил усулларидан самарали фойдаланилган. Тадқиқотимизда қиёсий таҳлил, аналитик таҳлил йўналишлари орқали муаммони чуқурроқ ўрганишга харакат қилинган.

Таҳлил ва натижалар. Дарҳақиқат, сўнгги вақтда жаҳон бозорларида озиқ-овқат нархлари кун сайин юқори суръатлар билан ўсмоқда. Халқаро биржаларда 1 тонна буғдой нархи 400 долларга кўтарилди ва йил бошига нисбатан нархлар 30 фоизга ошди. Ўзбекистонда? Ўзбекистонда хукумат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қанча-

лик тайёр? Қуни-кече Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигига асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш ва захирасини яратиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилишида ана шу мавзу қамраб олгани бежиз эмас. Дунёдаги мураккаб вазият бизни ҳар нарсага тайёр туришимизни тақозо этмоқда. Зоро, ҳалқаро майдондаги вазият туфайли глобал ишлаб чиқариш занжирларининг узилиши, логистикадаги муаммолар сабабли кўпчилик давлатлар озиқ-овқат маҳсулотлари экспортига чекловлар кўяётгани њеч кимга сир эмас.

Шунинг учун давлатимиз раҳбари вилоят, туман ва шаҳар мутсаддилари бундай шароитда ўз ҳудудида ички талабни тўлиқ таъминлаш ва экспортни ошириш бўйича имкониятларини ҳисоб-китоб қилиши шартлигини таъкидлади. Лекин, ҳали кўп ҳокимлар буни тушуниб етмаётгани ачинарлидир.

Ишлар тўғри ижро этилса, кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Ахир, Президентимиз қишлоқ хўжалиги ривожи ва ҳосилдорликни ошириш, аҳолини зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун барча шароитларни яратиб бермоқда. Масалан, буйил 80 минг гектар майдон пахта ва ғалладан қисқартирилиб, аҳолига бўлиб берилди. Президент қарорига кўра, йил якунига қадар яна 20 минг гектар экин майдони аҳолига бўлиб берилади. Келгуси йилда 100 минг гектар экин майдони аҳолига танлов асосида ажратилади. Бунинг ҳисобига, 1 миллион 200 минг нафар аҳолини банд қилиш учун шароит яратилади. Андижон, Бухоро, Хоразм вилоятлари бу ерлардан самарали фойдаланиб, З мартағача ҳосил олиб, ички бозорни таъминлаш билан бирга экспортини 1,5 бараварга оширгани бошқа вилоятларни андоза олишга даъват этиши керак.

Тўғри, соҳада ютуқлар ҳам талайгина. Ислоҳотлар натижасида республикада парранда гўшти, тухум, балиқ, гуруч маҳсулотлари билан таъминлаш даражаси анча яхшиланди. Мисол учун, сўнгги З йилда балиқ етиштиришни Андижон вилояти 4 минг тоннадан 25 минг тоннага, Бухоро вилояти 3,5 минг тоннадан 23 минг тоннага оширган, парранда гўштини Самарқанд вилояти 22 минг тоннадан 100 минг тоннага, Тошкент вилояти 31 минг

тоннадан 90 минг тоннага етказган, тухум ишлаб чиқаришни Сирдарё 127 миллион донадан 200 миллион донага, Наманган 480 миллион донадан 700 миллион донага, Фарғона 350 миллион донадан 600 миллион донага кўпайтириб, тўлиқ ўзини-ўзи таъминлаяпти. Лекин, айрим вилоят ҳокимлари ишларни тўғри ташкил қила олмагани ҳам бор гап.

Жаҳон бозорида айрим давлатларнинг ўз маҳсулотлари экспортига чеклов қўяётгани хулоса чиқаришга, импортбор маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқаришни тақозо этади. Маълумотларга кўра, ички бозоримиз 25 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари импортига боғлиқ бўлиб қолаётир. Президентимиз бу ҳолатни қаттиқ танқид қилиб, мутсаддиларга вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари билан бирга бир ой мuddатда ушбу 25 турдаги импорт маҳсулотларини ўзимизда ишлаб чиқариб, кўпайтириш бўйича лойиҳа пакетларини тақдимот қилиб, ҳукумат қарорини чиқариш топширилди.

Келгуси йил олти ой якуни билан бу борада ўзгариш қилмаган вилоят ҳокимлари ишдан олиниши кўрсатиб ўтилди. Йиғилишда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг мавсумий ўзгариши юқорилиги бежиз кўрсатилмади. Сабаби – қишлоқ хўжалигига ихтисослашган 50 та туманда музлаткич, қуритиш, саралаш ва сақлаш қувватлари етишмайди.

Шу муносабат билан вилоят ҳокимларига Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда 50 та туманда сақлаш қувватларини кескин ошириш бўйича алоҳида дастур қабул қилиш топширилди.

Қолаверса, давлатимиз раҳбари соҳадаги вазифалар ва янги имкониятларни кўрсатиб берди. Энг аввало, жорий йилда қўшимча ажратилаётган 20 минг гектар ва келгусида бериладиган 100 минг гектар экин майдонлари ҳисобидан импортни қисқартириш, озиқ-овқат маҳсулотлари экишни камида 300 минг гектарга етказиш. Умуман, озиқ-овқат учун мўлжалланган ерларга экинларни жойлаштиришни бундан буён Боғдорчилик агентлиги белгилаб беради. Мутсаддиларга 15 сентябрдан бошлаб ҳоким ёрдамчилари тавсиясига кўра, сабзавот, дуккакли ва мойли экинлар бўйича уруғлик, ўғит, ёқилғи,

ўсимликлар ҳимояси ҳамда айланма маблағ учун 150 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратишни йўлга қўйиш топширилди. Бунда, ушбу маблағларнинг ярмини нақд пулда ажратишга рухсат берилади. Бунинг учун, Боғдорчилик агентлигига қўшимча 300 миллиард сўм ажратилади. Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлигига мева-сабзавотчиликни кредитлашнинг мутлақо янги тизимини жорий қилиш топширилди. Эндиликда картошка, сабзавот, ёғ-мой экинлари экадиган кластер ва дехқонларга ҳосилни суғурталаш харажатининг 50 фоизи давлат ҳисобидан қоплаб берилади. Бунинг учун, келгуси бир йилда Қишлоқ хўжалиги жамғармасидан 50 миллиард сўм йўналтирилади. Бундан буён пахта ва ғалладаги каби озиқ-овқатга кредит беришда суғурта полиси кредит таъминоти ҳисобланади. Бу янгилик кўплаб дехқонларимизнинг ишини юргизиб, Қишлоқ хўжалиги жамғармасида ишлатилмай турган 700 миллиард сўмдан самарали фойдаланишга имконият яратади. Бугунги кунда республика бўйича ҳар йили 300 минг тонна картошка, 6 минг тонна дуккакли, 11 минг тонна мойли экинлар уруғини тайёрлашни йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ. Бу халқимизнинг бу маҳсулотларга бўлган талабини қондиради. Бу борада, картошка бўйича Самарқандда яхши тажриба бошланган. Мутасаддиларга бу тажрибани хусусий сектор билан бирга дуккакли ва мойли экинлар уруғчилигига ҳам йўлга қўйиш, бунга 26 миллион доллар йўналтириш топширилди.

Республикамизда келгуси 2 йилда уруғ импортини 3 баравар қисқартириш вазифаси қўйилди. Ҳар бир вилоядта камида биттадан интенсив сабзавот кўчатчилик хўжаликларини ишга тушириш кўзда тутилмоқда. Мамлакатимизда озиқ-овқат нархини барча мавсусда бир маромда ушлаб туришга устувор аҳамият қаратилмоқда. Шу мақсадда Қишлоқ хўжалиги вазирлигига келгуси бир йилда ҳудудларда маҳсулотни сақлаш бўйича 200 минг тонна қувватларни ишга тушириш, 100 миллион доллар ҳисобидан интенсив боғлар ва сабзавотчилик, сақлаш омборлари, қадоқлаш ва қайта ишлаш лойиҳаларини бошлаб, тадбиркорларга лизингга беришни йўлга қўйиш, барча вилоятларда иссиқхона эгаларига

енгилликлар бериш бўйича қарор лойиҳасини киритиш, аграр соҳада молиялаштириш, кредит, лизинг ва суғурта тизимини тўлиқ янгилаш бўйича қарор лойиҳасини тақдимот қилиш топширилди.

Қишлоқ хўжалиги халқимиз ризқ-рўзи, иш ўринлари ва даромад манбаи. Сўнгги беш йилда бу соҳага 2 миллиард 500 миллион доллар хорижий кредитлар жалб қилинган. Ҳозиргача шундан 1 миллиард 700 миллион доллари ўзлаштирилиб, 4 мингга яқин лойиҳа амалга оширилган. Жумладан, замонавий иссиқхоналар, интенсив боғлар, кўчатчилик хўжаликлари ва музлаткичли омборхоналар ташкил этилган. Айни пайтда глобал бозорлардаги нархларнинг кескин тебранишини ҳисобга олиб, мутасадди идоралар ва ҳудудлар раҳбарларига ички бозорда нархлар барқарорлигини сақлаш, энг аввало, аҳолини етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш лозимлиги такрор тақрор уқтирилмоқда. Бу бежизга эмас. Таҳлилларга кўра, жорий йилда дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи камида 20 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда. Мамлакатимизда аҳоли даромадининг 50-40 фоизи озиқ-овқатга сарфланади. Шу боис бундай маҳсулотларни кўпайтириб, нарх-навонинг аҳоли рўзгорига таъсирини юмшатиши чоралари кўрилмоқда.

Қанчалик мураккаб бўлмасин, юртимиз қишлоқ хўжалигига эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларига ўтиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташабbusи билан бу борадаги ислоҳотлар бир неча йил олдин бошланган бўлиб, ғалла бозорини эркинлаштириш йўлидаги муҳим қадамлар ташланди. Масалан, 2022 йил 28 май куни Президентимизнинг “Ғаллани етиштириш ва сотища бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарор билан шу йил 1 июндан бошлаб ғаллани давлат томонидан сотиб олиш ва сотища бозор нархларига ўтилиб, ғаллачилик кластерлари ва фермерларга буғдойни бозор нархида тўлиқ эркин сотиши ҳукуқи берилди.

Қарор билан шу йил 1 июндан бошлаб ғаллани давлат томонидан сотиб олиш ва сотища бозор нархларига ўтилиб, ғаллачилик

кластерлари ва фермерларга буғдойни бозор нархида тўлиқ эркин сотиш ҳукуқи берилди. Қарор билан давлат ресурслари учун сотиб олинадиган 1 тонна буғдой нархи ўтган йилдаги 1 миллион 550 минг сўмдан жорий йил ҳосили учун 3 миллион сўмга, яъни 2 бараварга оширилди. Бундан ташқари, июль-август ойларида шаклланган биржадаги буғдой нархларидан келиб чиқиб, ушбу буғдой учун сентябрь ойида қайта ҳисоб-китоб қилинади. Мисол учун, июль-август ойларида буғдойнинг ўртача биржа нархи тоннасига 3,7 миллион сўм бўладиган бўлса, буғдой етиштирувчиларга яна тоннасига 700 минг сўмдан тўлаб берилади. Бу қишлоқ хўжалиги соҳасини эркинлаштириш, фермер ва дехқон хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий манбаатдорлигини ошириш йўлидаги яна бир муҳим қадам.

Энди, дехқон, фермер, кластерлар ўзи етиштирган маҳсулотни бозор нархида сотиб, меҳнатига яраша даромад кўради.

Жорий йил 1 июндан фермерлар буғдойни бозор нархида сотиши ортидан моддий манбаатдорлиги ортиб, соҳанинг инвестициявий жозибадорлиги янада ошди. Ушбу йўналишда ишлайман, деган одамлар сони кўпайди. Бу эса ғалла ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосилетиширишҳажмларини кескин ошириш,

ички бозорни буғдой ва ун маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашга замин яратади. Ўтган йиллар давомида фермерлар ерга инвестиция киритмагани, доим ё банқдан, ё давлатдан қарз бўлгани, ернинг унумдорлигини оширишга, шўрланишини камайтиришга ҳаракат қилмагани сабаби ҳам моддий манбаатдорликнинг йўқлигига эди.

### **Хулоса.**

Мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги эришган натижалари ва келгусида режалаштираётган марралари юртимизнинг ривожига, иқтисодий барқарорлигига, халқимизнинг фаровон ҳаётига замин бўлади. Ҳар бир йўналишда ташланяётган катта одимлар, кўзланаётган улкан мақсадлар янги Ўзбекистоннинг янги марраларини таъминлайди. Пандемия ва ва дунёдаги бошқа муаммолар сабабли дон тақчиллиги юзага келаётган, айрим давлатлар ғалла экспортига чекловлар қўяётган бир пайтда Президентимиз Шавкат Мирзиёев қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тизимида бозор иқтисодиётини қўллаш, ҳосилдорликни оширишдек улкан вазифаларни кун тартибига қўйганлиги, ўзини оқламоқда, албаттта. Бу қатъият, шижаот ва мashaққатли изланишларни тақозо этишини ҳар доим ҳам англаб олавермаймиз.

### **Манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. Kalonov M. B. «Improving the organization of accounting and cost analysis of provision of cars.» (2018): 128-129.
2. Kalonov M. B. «Regulation and incentive mechanism for foreign investors in Uzbekistan.» Proceedings of the VI International Scientific and Practical Conference Social and Economic Aspects of Education in Modern Society. Warsaw. 2018.
3. Kalonov Mukhiddin Bahritdinovich Analysis of modern methods of control costs // World science. 2016. №9 (13). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/analysis-of-modern-methods-of-control-costs> (дата обращения: 09.08.2022).
4. Холбеков Р.О., Калонов М. Б. Совершенствование учета затрат на автотранспортных предприятиях Республики Узбекистан //Актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения. – 2018. – С. 188-179.
5. Калонов М.Б. Анализ современных методов управления затратами //Ответственные за выпуск: доктор экономических наук, профессор, зав. кафедрой бухгалтерского учета и аудита Уральского государственного экономического университета. – 2017. – С. 65.
6. Калонов М.Б. Анализ структуры затрат при производстве автотранспортных услуг // Политика, экономика и социальная сфера: проблемы взаимодействия. – 2017. – С. 79-76.
7. Калонов М.Б. К вопросу о методическом подходе к управлению затратами в транспортных организациях. анализ структуры затрат при производстве автотранспортных услуг //Экономика и управление: проблемы, решения. – 2016. – Т. 7 .№ – .1. – С. 79-73.

8. Kurbanov, Ziyat Niyazovich, and Komil Khotamov. «Issues of improving analysis of taxes.» Социально-экономическое развитие россии и регионов в цифрах статистики. 2017.
9. Niyazovich, Kurbanov Ziyat. «Organization of Tax Audit in the Republic of Uzbekistan.» International Journal of Research in Social Sciences 10.4 (2020): 34-43.
10. Исаев Ф. (2021). Совершенствование методики расчета налоговой нагрузки. Экономика и образование, (91-86 ,(6. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/286>
11. Исаев Ф. Камерал солиқ текшируларини ўтказишида солиқ таҳлилидан фойдаланишни такомиллаштириш //Экономика и образование. – 4 .№ – .2021. – С. 176-172.
12. Курбанов З.Н., Исаев Ф.И. Налоговый анализ как новое направление экономического анализа //актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организаций. – 2017. – С. 254-246.

## SOCIAL ENTREPRENEURSHIP IS AN IMPORTANT ASPECT OF POVERTY REDUCTION

**Abdurahmanova Gulnora Kalandarovna –**  
Professor, DSc  
*Tashkent State University of Economics*  
*Vice-Rector for Research and Innovation*

**Goyipnazarov Sanjar Bakhodirovich –**  
PhD, (Economics), Associate Professor,  
*Tashkent State University of Economics (TSUE)*

**Ermatov Tohir Sharifjanovich –**  
PhD, (Economics), Associate Professor,  
*Tashkent Institute of Finance (TFI)*

**Abstract:** The issue of social protection of the vulnerable has always been in the center of attention, and even today this issue is of great importance in Uzbekistan. Today's period requires the development of non-governmental social protection policy, using new approaches to solving problems of social significance. It can be considered that the development of social entrepreneurship plays an important role in solving such problems. This article aims to assess the impact of social entrepreneurship development on poverty reduction, with the purpose of studying theoretical views and approaches in conceptual research related to social entrepreneurship and poverty reduction; identifying the link between social entrepreneurship and poverty reduction through a survey; developing of science-based proposals and recommendations to reduce poverty in the country through the development of social entrepreneurship based on the results of the research.

**Key words:** social entrepreneurship, poverty reduction, social protection of population, social innovation, social enterprise, social project, social services.

### 1. INTRODUCTION

Poverty is one of the main challenges in global economic development. United Nations has reported that around 1.3 billion people around the world are multidimensional poor that not only means low income but also another number of indicators such as poor quality of life, poor health, and low-quality education (Wu and Si, 2018). In recent decades, awareness that economic growth alone cannot bring prosperity to all citizens of a

country has been growing. The current economic crisis in many EU countries has further strengthened trends for consideration of alternative models of economic development (Maji, 2016). In this context, the issue of social protection of the population has always been in the spotlight of the world, and today this issue is still of great importance in Uzbekistan. However, today's period requires new approaches to solving problems of social significance, and the development of social protection